



ТОШКЕНТ ОЙШОМИ

ШАХАР ИХТИМОИЯ-СИЁСИЯТ ГАЗЕТАСИ

ХУВ Садоиси
Барча маълумлардан олган сўнги хабарлар

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 78 (9.575) 2001 йил 6 июль, жума Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

КИСҚА сатрларда

□ **ИСТИКЛОЛ** шарофати туйғайли Бектемир туманидаги «Сувмаш» сув насослари заводида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Яъни заводнинг кўйи цехлари кичик қорхоналарга, 4 та цех эса ишлаб чиқариш қорхоналарига айлантирилди. Мазкур завод мустақилликнинг 10 йиллигини муносиб қутиб олиш учун қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Шунингдек, жорий йилда Бектемир туманидаги «Миродник» қорхонаси хизматчилари истиқлолнинг 10 йиллик айёми билан бирга ўз қорхоналари ташкил этилганлиги санасини ҳам нишонлайдилар.

□ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** 2, 4-юқумли касалликлар шифохоналарида шифокорлар иштиракида юқумли хасталикларга чалинган беморларни даволаш чора-тадбирларига бағишланган илмий анжуманлар бўлиб ўтди.

□ **ШУНИНГДЕК**, ўтган куни Чилонзор туманида халқ таъботати халқаро ассоциацияси ташаббуси билан ўтказилган конференция қандли диабет касаллигининг олдини

олиш ва бу хасталикни халқ таъботати усулида даволаш чора-тадбирларига бағишланди. Дарвоқе, шу куни халқ таъботати ассоциацияси вакиллари тумандаги ноғиронлар, кам таъминланган oilаларга моддий ёрдам сифатида икки миллион сўм пулни хайр-саховат қилдилар.

□ **ЎТГАН** кундан эътиборан шаҳримизда фаолият олиб бораётган «Бизнес банк» хусусий банки «Вестон юнион» халқаро банки тажрибасини амалда қўллаб, халқаро миқёсда банклараро пул ўтказиш усулини жорий этганлигини маълум қилди. Бундан буён «Бизнес банк» ҳар бир миқдоси учун бир кунда уч минг АҚШ долларини бошқа валютага эркин алмаштириш имкониятига эга бўлади.

□ **АБДУЛЛА** Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида мазкур илм даргоҳининг бакалаврлик курсини тугатган талабаларга диплом топириш маросими ўтказилди.

□ **ҲАМЗА** туманидаги 329-боғчада туман халқ таълим бўлими ташаббуси билан тумандаги болалар боғчалари тарбиячилари иштиракида ўтказилган тадбир «Бошлангич тарбияда экологик тарбия муаммолари» деб номланди.



Тошкент Давлат консерваториясининг янги биноси қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. **СУРАТДА:** бино қурилишида меҳнат қилаётган «Турон» фирмасининг бош механиги Р. Ашрапов (чапда) ва участка бошлиги В. Зояч.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

ТАДБИРКОРЛИК

Ижобий баҳоланган жиҳозлар

Тошкентдаги «Супромед» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси ёрлиги билан чиқарилаётган тиббий асбоб-ускуналар шифокорлар қўлида ишончли муолажа воситасига айланиб бормоқда.

Кейинги йилларда фирма мутахассислари изланишлари натижаси ўларок 20 га яқин номдаги тиббий аппаратлар яратилди. Уларнинг асариятини эндиликда республикамизнинг турли шифо масканларида учратиш мумкин.

«УВ4 — 30 М1» русумли электромулатор, «Дарсон» аппарати ҳам саноат асосида қўллаб

ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек ультратовушли терапия муолажасида, паст частотали импульс терапиясида фойдаланилаётган аппаратлар ҳам амалиётда ўзини оқлади.

«ЭХВ4 — 100» русумли электроскальпел қурилмаси эса энг яхши юқори частотали электрожарроҳлик аппарати деб топилди. Академик Воҳидов номидаги республика илмий жарроҳлик маркази мутахассислари бу тиббий техникага яхши баҳо бериб, уни амалий муолажаларда қўллашга тавсия этдилар.

Ақбар АЛИЕВ

АНЖУМАНЛАР

Муҳим мавзуда

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олий ўқув юрти, академик лицей ва коллежлар профессор — ўқитувчиларининг касбий-педагогик маҳоратини ривожлантириш муаммолари» мавзусида Республика илмий-методик конференция бўлиб ўтди. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар негизида таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш, Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида инновациялар, тадқиқотлар ва уларнинг натижалари, табиий ва аниқ фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари юзасидан фикрлар билдирилди. Конференция тавсияномалар ишлаб чиқди.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига кураш бўйича Африка биринчи чемпионати қатнашчилари ва ташкилотчилари номидан Африка Кураш уюшмасининг президенти жаноб Андре Френчдан Африка қитъаси спортчилари ҳам курашни дунё миқёсида ривожлантириш ҳаракатининг фаол қатнашчиларига айланётгани учун ташаккур билдирилган ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва раванак изхор этилган мактуб келди.

● Олий Маҳлисида ўтказилган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг йиғилишида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар яқунлари муҳокама қилинди.

● **Кеча** Олий Мажлисининг Ихтимоий масалалар ва бандлик қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

● **Бугун** мамлакатимиз олий таълим даргоҳларини муваффақиятли таъомлаб чиқаётган 1800 дан зиёд илк магистрларга магистрлик дипломлари ва кўрсак нишонлари топирилди.

● **Кеча** Ташки иқтисодий алоқалар вазирлигида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбек-Француз кўмултарабо комиссиясининг мажлиси бўлди. Шу куни «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бизнес-семинар ўтказилди.

● **Бугун** Фан ва техника давлат қўмитасида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон мустақиллиги — унинг фани ва технологияларини ривожлантириш қафолати» мавзусида аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этган икки кунлик бешинчи республика илмий анжумани ўз ишини ниҳоясига етказди.

● Республикаимизда Германия Техник ҳамкорлик жамияти томонидан «Экспортни ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган либослар дизайнерлари танлови яқунлади.

● «Жосан» халқаро жағмарасида бўлиб ўтган «Ўзбекистон-Малайзия барқарор экоривожланиш бўлида» мавзусидаги учрашувда атроф-муҳит мусоафалигини таъминлаш вазифалари хусусида сўз юритилди.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат кутубхонасида «Кутубхоналарни бошқаришнинг замонавий тамойиллари» мавзусидаги семинар бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида тошкентлик уч забардаст расом — Содик Раҳмонов, Раҳим Ризомухамедов, Зайниддин Фахриддинов асарларининг кўргазмаси очилди.

Жаҳонда

● **Бугун** Киевда Украина Президенти Л. Кучма ва бу ерга ilk давлат таширифи билан келган Тожикистон Президенти И. Раҳмонов ўртасида икки томонлама бир қатор битимларни имзолаш қутулмоқда.

● **Бугун** Бокуда Президент Х. Алиевнинг бу ерга келган Тожикистоннинг Европа Кенгаши олдидagi мажбуриятларини бажариш мониторинги учун Европа Кенгаши делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

● **Кеча** Россияда мотам куни деб эълон қилинди. Маълумки, ўтган сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси Россиянинг Иркутск шаҳри осмонда Ту-154 русумли самолёт портлаб кетиши 145 кишининг ҳаётига зомин бўлган эди.

● **Кеча** мамлакат Бош вазири ўринбосари Илья Клебанов бошчилигида фожия сабабларни ўрганувчи комиссия ўзининг дастлабки текширувини яқунлади.

● **Кеча** Польша маданият вазири Казимеж Уяздовский истаъфога чиққанини маълум қилди.

● **Кеча** Исроил Бош вазири А. Шарон қисқа таширф билан Германия ва Францияга бориб, Г. Шредер ва Ж. Ширак билан Яқин Шарқда ўз очиниш тўғрисида жараёнини қўллаб-қувватлаш йўлларини муҳокама қилди.

● Югославия Федерал парламентини Бош вазири З. Жижичнинг истаъфосини қабул қилди. Югославия Президенти В. Коштуница анги ҳукумати ташкил этиш бўйича маслаҳатлашувларни бошлади.

● **Кеча** Исроил туризм вазири Зеэви ва миллий инфраструктура вазири А. Либерман мамлакат Бош вазири А. Шаронни Фаластин томонига ён босаётганликда айблаб, ҳужум аъёнлари йиғилишида иштирок этишдан бош торттирди.

● Беларусь Президентлиги учун астойдил курашаётган ва энг кучли номзод сифатида танилган Наталья Машерова шу йилнинг 9 сентябрида бўлидиган сайловда қатнашишдан воз кечди.

● АҚШнинг Феникс шаҳрида Фахрийлар ўртасида дуюд бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик Фарход Огаев чемпион унвонига сазовор бўлди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОМИ

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тизиб тўғрисида

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 12 ва 44-моддаларига мувофиқ шаҳар сайлов комиссияси қарор қилади:

Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи 4 та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

М. УЛУҒБЕК ТУМАНИ БЎЙИЧА

11-«АКАДЕМИК» ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси: Умаров Нормурод Умарович — М. Улуғбек тумани 8-касб-хунар мактаби директори

Раис ўринбосари: Раҳимова Нури Хусановна — 20-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари

Комиссия котиби: Арслонова Саодат Нигматовна — 113-мактаб директори

Комиссия аъзолари: Петров Сергей Константинович — «ТО-ЭМЗ-1» АЖ ишлаб чиқариш бўйича раҳбар ўринбосари

Валиева Муъазам Мухамедовна — Ф. Хўжаев номли маҳалла фуқаролари йиғини хотин-қизлар кенгаши раиси

Нурмухамедов Равшан Баходирович — «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» хиссадорлик жамияти бош муҳандиси

Исмаилова Зулфия Азизовна — 142-ўрта мактаб директори

Имомқулиева Зумрад Атабаевна — 20-оилавий поликлиника акушер-гинеколог

Нигматов Асатулла Назирович — «Узқабел» Давлат акциядорлик бирлшмаси бош директорининг ўринбосари

13-«ГУЛШАН» ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

Комиссия раиси: Нуриддинов Жалолiddин — «Тошша-

ҳартрансэкспедиция» хиссадорлик жамияти директори

Раис ўринбосари: Туракулов Хамиджон — 2519-автокорхонасининг касаба қўмитаси раиси

Комиссия котиби: Разиқова Наила Тагировна — 16-сонли Й. Охунбойев номли маҳалла қўмитаси котиби

Комиссия аъзолари: Аюпов Аъзам Азизович — «Совуқ» Халқаро илмий муҳандислик маркази директори

Эркаева Мунира Алиевна — 275-мактаб директори

Мирзаев Раҳимжон Маджитович — «Тошшаҳартранс» концерни 2521-автокорхонаси раҳбари

Кодиров Абдуғаффор Махмудович — «Нуричлар» ўртоқлик ширкатида раҳбар

Киличов Суннатилло Махмудович — «Бахт Нур» ўртоқлик ширкатида раҳбар

Ильёсов Хабибулла Абдуллаевич — «АВЭК-Моторс» хиссадорлик жамияти бош муҳандиси

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ
ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

**Айрим сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга
Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи
округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда).
**14-«ИНТИЗОР» ОКРУГ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Комиссия раиси:

Эргашев Рашид — М. Улуғбек тумани технология касб-хунар коллежи директори

Раис ўринбосари:

Омонтурдиева Дилором — 36-оилавий поликлиника бош шифокори ўринбосари

Комиссия котиби:

Султонова Тамара Нусратиллаевна — 208-мактаб директори

Комиссия аъзолари:

Рустамбекова Раъно Турсуновна — Тошкент технология техникуми бўлим бошлиғи

Садриддинов Маловиддин — 9-стоматология поликлиникаси шифокори

Камолова Насиба Курбановна — Тошкент вилоят педагогика билим юрти директори

Абдуseitов Икрамиддин — 209-мактаб директори

Холмирзаев Мирхамид — Тошкент вилояти педагогика билим юрти директорининг ўринбосари

Надинова Жамила Аббасовна — 308-мактаб директори

С. РАҲИМОВ ТУМАНИ БЎЙИЧА

**25-«СЕБЗОР» ОКРУГ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

Комиссия раиси:

Нурмухамедов Алишер Парпиевич — С. Раҳимов тумани ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

Раис ўринбосари:

Ташбеков Сафар — С. Раҳимов туман халқ таълими бўлими назоратчиси

Комиссия котиби:

Наджимова Зура Насировна — 2-туғруқ комплекси бош шифокори

Комиссия аъзолари:

Азимов Анвар — С. Раҳимов тумани «Намуна» фуқаролар йиғини раиси

Камилов Тахир Назирович — С. Раҳимов тумани «Умид» фуқаролар йиғини раиси

Султанов Шавкат Анатольевич — С. Раҳимов тумани А. Қодирий номли истироҳат боғи директори

Турсиметова Шазада Расаматовна — С. Раҳимов тумани ҳудудий-тиббиёт бирлашмаси бош шифокори ўринбосари


Турсунов Далабой — С. Раҳимов тумани 119-мактаб директори

Эргашев Шухрат Туляганович — С. Раҳимов тумани «Себзор» фуқаролар йиғини раиси

Шаҳар сайлов комиссияси раиси

Ф. Л. МАЛИКОВ

**Сўранг,
жавоб берамиз**



Менга умр йўлдошимдан квартира ва «Тико» енгил машинаси меросга қолди. Нотариал идораси уларни расмийлаштириб берди. Квартира умумий баҳосидан 0,3 фоз пошлина тўладим. «Тико» машинасини ўз номимга ўтказмоқчи бўлсам, (нотариал идоранинг қайдномасига асосан) ДАН маъмурияти машинанинг қолган умумий баҳосидан 6 фоз пошлинани тўлашимни талаб қилди. Шу тўғрими ва нимага асосланган?

Р. Юсупов

Сиздан нотариал идорасида ҳам, ДАН маъмуриятида ҳам пошлинани қонун асосида тўғри олишган. Бунинг учун «Давлат пошлиналари тўғрисида»ги Қонун асос сифатида хизмат қилади.

Бундан беш ой бурун эрим ташлаб кетди. Учта болам билан уч хонали хуСУСИЛАШТИРИЛМАГАН УЙДА ЯШАЙМИЗ. Эрим уйда ҳаққинлар йўқ, деб ҳайдаб чиқариш ниятида. У ҳақми?

В. Маҳмудова

Агарда уй эр-хотиннинг биргаликда яшаётган пайтида олинган бўлса, улар ҳар иккиси уйга тенг ҳуқуқли эгаллик қилиши мумкин. Болаларнинг ушбу уйда яшашига тўла ҳуқуқи бор. Ушбу можарони ҳал қилиш мақсадида сиз фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси билан мурожаат қилишингиз керак.

Уш давлат юридик университетининг сиртки факультетини тугаллапман. Ўзим Ўзбекистон фуқаросиман. Ушбу университет дипломи Ўзбекистонда фаолият кўрсатишим учун ўтадим? Айтишларича у тест марказидан ўтиши керак экан.

А. Икромов

Дарҳақиқат, ким Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ўқиб диплом олган бўлса 1993 йилдан буён дипломи сертификациядан ўтказилиши керак. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида махсус комиссия тузилган.

Спорт менинг жону дилим. Айтишларича, профессионал боксчилар ва теннисчилар энг кўп пул шайлайдиган спортчилар топфасига кираркан. Шу тўғрими?

Ш. Исмоилов

Бу унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. «Формула-1» автотойғаларида қатнашувчи немис пойгачиси, «Олтин бола» лақабли Михаэль Шумахер 2004 йилгача «Феррари» жамоаси билан шартнома тузган ҳолда энг бой профессионал спортчи мақомини олди. Зеро, ушбу шартноманинг қиймати 107 миллион долларни ташкил этади. Шу орқали Михаэль 100 миллион долларлик шартномага эга голф устаси Тайгер Вудсдан ўзиб кетди.

Аёллар ўртасида эса ҳақиқатан ҳам теннисчилар энг бой ҳисобланади. ХуСУсан германиялик Штеффи Граф ўзининг спортдаги бутун фаолияти давомида фақат кортлардаги ўйини билан (рекламадан топган пулларини ҳисобга олмаганда) 21,9 миллион доллар ишлаб топган. Америкалик теннисчи Мартина Навратилова эса 20,4 миллион доллар ишлаган ҳолда иккинчи ўринни банд этиб турибди.



Жавоблар адвокат Ойбек ИСОҚОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига кўнгиноқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

САНОАТ



Ихчам ва тежамкор



Инсон учун ўз ихтиросини амалиётга тадбиқ этиб ёки уни ўзи ишлаб чиқарса, бундан-да ўзга бахт бўлмаса керак! Ҳа, дарҳақиқат мамлакатимизда бу борада барча шарт-шароитлар яратилган. Зеро, Зоҳид Толибжонов каби иктидорли ихтирочи яратган иситиш қурилмаларини ўзи раҳбарлиги остида ишлаб чиқараётганлиги фикримиз далилидир.

1991 йили шахримиз ҳудудида ана шу инсон ташаббуси билан «Истал» масъулияти чекланган жамият фаолият бошлади. У илмий изланишлар натижасига, яъни фан ютуқларига асосланган юқори самарали ва экологик тоза санаятда ва яқка тартибда иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун мўлжалланган асбоб-анжомларни ишлаб чиқара бошлади. Уша йилданок жаҳон талабларига жавоб бера оладиган бундай замонавий, рақобатбардор ёқилги ёқиб қурилмаларига нафақат ўзимиздан, балки чет эллардан ҳам буортмалар олинди. Бу кунга келиб бу каби қурилмалардан 4000 дан ортиғи Россия, Украина, Литва, Беларусь, Қозоғистон каби мамлакатларда самарали иш кўрсатаяпти. Кейинги йилларда қуввати 100 киловатдан 6400 киловатгача бўлган иситиш қозонлари ва блокли транспортда ташиллашган қозончалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг харидори йил сайин ошиб бормоқда. Махсулотларни ишлаб чиқариш учун аввало уларга харидор бўлиши зарур.

Буни тўғри англаб етган корхонада маркетинг бўлимига катта эътибор қаратилди. Улар бевосита республикамизда ва бошқа минтақаларда бундай махсулотларга бўлган талабни чуқур ўрганиб, шу асосида ўз айланма маблағлари ҳисобига бозор эҳтиёжига яраша махсулотлар ишлаб чиқара бошлади.

Энг асосийси шундаки, бу иситиш махсулотлари тежамкорлиги, фойдали иш самарадорлиги юқорилиги ва техник хавфсизлиги жиҳатидан шу каби бошқа иситиш асбоб-анжомлардан фарқ қилган ҳолда юқори ўринларда туради. Шу сабаб ҳам айни пайтда корхонада махсулотларнинг 30 дан зиёд тури ишлаб чиқарилади. Улар ишлаш усули, ёқилғиси, қуввати ва шу каби бошқа жиҳатлари билан бир-биридан мутлак фарқ қилади. Масалан, хонадонлар, мактаблар, билим юртлари, иссиқхоналарга мўлжалланган.

Корхонада 40 нафардан ортиқ малакали мутахассис меҳнат қилади. Бугунги кунда уларнинг ўртача иш ҳақи 35-40 миң сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек, уларнинг ишлаши, кўнгилли дам олиши, овқатланиши учун барча қулайликлар мўҳайё. Катта кутубхона, арзонлаштирилган нарҳдаги ошхона, дам олиш хоналари шулар жумласидандир. 2000 йили корхонада 122 миллион сўмлик иш бажарилиб, шундан 40 миллион сўмлик соф фойда олинди. Бу олинган даромадлар асосан илмий изланишларга, махсулот-

ларни сифатини янада оширишга, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга ва ишчи-хизматчиларнинг яшаш шароитларини яқшилашга сарф қилинмоқда.

— Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса республикамиз иқтисодийётига ўзимизнинг озгина бўлса-да ҳиссамизни қўшиш. Яъни давлатимиз бизга маъна шундай имконият яратган экан, биз шунга яраша бўлишимиз керак. Мен ўзини тўлақонли бахтли инсон деб айта оламан. Чунки олим сифатида ўз ихтироимни ўзим амалий равишда ишлаб чиқариб, ундан баҳраманд бўлмоқдаман, — деди техника фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, «Истал» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг раҳбари Зоҳид Толибжонов. — Мени бир неча бор чет элларга ишга таклиф қилишди, бормадим. Ўз бўлсада, ўз элимга; Ватанимга нафим тегаетганлигидан беҳад мамнунман. Шу жумладан янги яратётган ихтироларим халқимизга манзур бўлаётган экан, буларнинг бари менинг гайратимга гайрат, шижоатимга шижоат қўшади. Айни пайтда яна катта-катта дастурлар, янги махсулотлар яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Шу боис бу йил ҳам махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилгига нисбатан икки баробар ошади.

Очил ҲАЗРАТОВ СУРАТЛАРДА: корхонада ишлаб чиқарилаётган махсулотлардан намуналар.

ТҮРТИНЧИ ГУЛШАН

(Охири)

Султон лўлига деди: кўпдан бери сенинг қадду қомагингни либоссиз кўрсам деган орзум бор эрди. Чунончи қадди-бастинг билан сарвдек тик турсанг, сунбул каби зулфинг паришон қилиб, мушқ анбарни атрофга сочсанг. Шояд таним сафо олса гўёки кўзгу, мен эса бошингдан қуйсам бир идишда сув. Саломатлик уйда эй сарви дилором, кудуратдан ўзингни поклагин дарҳол. Бу сўзни эшитиб лўли бироз хомуш бўлиб, неча нозу карашма билан султонни оғушига олди. Лўли султоннинг илтимосини қабул қилиб, устидоги барча кийимларини ечиб, султон қаршида санобардек тик турди. Султон вазири айтган сувни тайёрлаб, лўлининг бошига сувни қуйди. Сув қуйилган заҳоти лўли маймунга айланиб, нолаю фиғон билан ҳар томонга сакрай бошлади.

**Киши кимга на қилса они кўргай,
Агар ерга на экса они ўргай.**

Султон шу заҳоти лўлининг қасридан чиқиб вазирининг хузурига бориб, бўлган воқеаларни унга ҳикоя қилди. Султон билан вазир дилжам бўлиб, ўшал тунни шод-хуррамлик билан ўтқардилар.

Эртаси тонг отгач, лўли сариғ маймунга айланиб қолибди, деган овоза ҳаммаёққа тарқалди. Одамлар бир неча чора-тадбирни қўллаб, маймунни тутиб, бўйнига занжир солдилар. Уни занжир билан торт-торт қилиб, шаҳар шохнинг хузурига олиб бордилар. Шох бу воқеадан ҳайратга тушиб, шаҳар халқини бир ерга тўплашни буюрди. Халойиқ йиғилгач, шох уларга мурожаат қилиб деди: агар кимки сеҳргарлик ёки жодугарлик илмидан воқиф бўлса, дарҳол саройга келсин! Шоядқи, илми, хунари билан бу тилсимотни ечишга ёрдами тегса. Агар лўлини бу жодудан халос қилса, ададсиз олтину гавҳарга эга бўлгай.

Бир неча сеҳргар ва жодугарлар шох саройига йиғилиб лўли жодуси устида савъ-ҳаракат қилдилар. Ҳақимлар дори-дармон қилдилар, азайимхон чироқ ёқиб кўчириқ қилди. Бу ишлар лўлининг ишига таъсир қилмади, уни шакл-шамойили ўзгармади. Шундан сўнг саройга йиғилган сеҳргар, ҳақимлар ва азайимхонлар саройни тарк қилдилар.

Сарандиб султони ва унинг вазири эшитдиларки, лўлининг дардига ҳеч ким даво тополмабди. Шундан сўнг вазир султонга қараб, эй шохи жаҳонгир, бугун шаҳар шохнинг хузурига боргин ва унга дегилки, бу вилоятга бир зуфунун (кўю илмлардан хабардор) аллома келган, у барча илмлардан бахраманд, гумроҳларга йўл кўрсатувчи, жамми донишмандлар офтобидир. Агар унинг ҳурматини жойига қўйиб, эъзозласанг, ҳикмат юзасидан маймуннинг иложини топса ажабмас.

Мусофир султон шаҳар шохнинг хузурига бориб, вазир таъкидлаган сўзларни бир-бир баён қилди. Шох бу сўзни эшитиб бағоят хушнуд бўлиб, ададсиз молу зар ваъда қилди. Шох вазирни ўз хизматига қақриб, кўп израт-икромлар кўргизди. Вазир шохдан олти ойга мухлат сўради ва деди: кўнгулни кудуратдан холи қилиб, сўнг бу хизматга ружу қилайтой! Шох вазирга бир манзилни тайин қилиб, шу заҳотиёқ маймунни ҳам олиб келиб топширди.

Вазир шохнинг мулозимларига қараб: мусофир султонни кўрсатиб деди: бу мусофир йигит менинг шогирдим эрур. Унинг тўрт нафар назир ашёси бор эди. Шубҳасиз бу ашёлар лўлининг қошонасидадур. Агар лўлининг хос хизматкорларидан бирортаси бу ерда бўлса, шогирдим билан бирга бориб, мазкур ашёларни менинг хузуримага олиб келсин! Чунончи маймунни тахт устига ўтказиб, устига чопонни ёпайин, ўшал коса билан дори ичириб, қилич билан дам-бадам уриб кўчириқ қилайин. Агар ҳар ойнинг уч кунда мазкур азайимхонликни жорий қилинса, шоядқи лўли асл холига қайтса.

Бу сўздан ҳамма хурсанд бўлиб, лўлининг хизматкорларидан бири мусофир султон билан бирга бориб мазкур ашёларни келтириб вазирнинг олдига қўйдилар. Вазир барча мулозимларга рухсат бериб, хонани бегона кишилардан холи қилиб, эшикни ичкаридан маҳкамлади. Хонада султон, вазир ҳамда маймун қолган эдилар. Вазир ҳикмат юзасидан иккинчи ёнғоқ қобифидаги сувни маймуннинг бошидан қуйди. Дарҳол мўъжиза рўй бериб, маймуннинг шакли ўзгарди, гўё парда ортидан қуёш чиққандек, лўлининг чиройи кўриниб асл холига қайтди. Лўли сеҳр-жодунинг бундай кирдикорларини кўриб, дарҳол ўзининг қилган ишларига пушаймон бўлиб, султон билан вазирнинг оёғига бош қўйиб, ўзини султонга таслим қилди.

Султону лўлию вазир гўё Сулаймон билан Билқису Осаф каби тахт узра ўлтириб, уч ашёни ҳам бирга олиб осмонга парвоз қилдилар. Бу энди бизни тутишлар деб овоз бердилар. Шаҳар халқи уларни ҳавода кўриб армонда қолдилар. Учовлон ҳавода парвоз қилиб Сарандибга келиб қўндилар. Султон раиятни адолат гулшанидан бахраманд этиб, мулкни саховат ва қарам гуллари билан бетатди.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.



Дугоналар сўхбати. Равиль Альбеков олган сурат.

БИЛИБ ҚҲЙГАН ЯХШИ

Қанча ухлаш керак?

Киши уйғоқлигида сарфлайдиган энергия уйқу вақтида тикланади. Уйқу билан уйғоқликнинг алма-шениб туриши бош мия асаб фаолиятига боғлиқ. Уйғоқликда бўлиб ўтган таъсиротлар асари уйқу пайтида хотирада мустаҳкамланиб қолади.

Уйқунинг бузилиши ва издан чиқиши асаб тизимининг заифлашувиغا сабаб бўлади, кишини зўрлаб уйқудан маҳрум қилиш организмни овқатдан маҳрум қилишдан ҳам кўпроқ зарарлидир.

Кишининг қанча ухлаши керак-

лиги, асосан ёшга боғлиқ. Чақалоқлар бир кеча-кундузда фақат 2-3 соат уйқоқ бўлади. 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган бола бир кеча-кундузда камида 14 соат ухлаши зарур. 4-5 ёшда болалар 13 соат, 6 ёшда — 12 соат, 7 ёшда — 11 соат, 11-12 ёшда — 9-10 соат, 13-16 ёшдаги ўсмирлар — 9 соат, 17-18 ёшдагилар эса 8,5-8 соат, катта ёшли одам бир кеча-кундузда камида 6-7 соат ухлаши керак. Кексайдан даврда уйқу одатда 5-7 соат давом этади.

Дилдора СОДИҚОВА

МАШХҲР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Энг ноёб дори — меҳнат

Кунлардан бирида машхур немис мусаввири Адольф Менцель бетоб бўлиб, ётиб қолади. Қилқалм сохибининг энг яқин шогирдлари санъаткор хузурига бир нотаниш шифокорни йўллайдилар. Уйига шифокор келганлигидан воқиф бўлган бемор қутилмаган таъширдан саросимага тушмайди, балки чизги асбобларини ҳозирларкан, буйроқ оҳангида мурожаат қилади:

— Илтимос, ёруғроқ жойга ўтсангиз!
Касалнинг ғалати қилиғидан газабланган шифокор елка қисади:
— Ахир мен касалнингизни тузатгани келганим, шекилли?
— Тўғри туриңг, қимирламанг, — дейди Менцель ва докторга қўлоқ солмайди, —ўзингиз саломатлик посбони бўлатуриб меҳнат — энг ноёб дори эканлигини нахот англамасангиз?

Марк Твен меҳмонда

Марк Твен янги устахонасига қўчиб келган таниш рассомниқига таширф буюради ва зўр қизиқиш билан унинг асарларини томоша қила бошлайди. Улкан сўз санъаткори аллақандай асар қаршида бир зум тикилиб қоларкан, қўлларини ҳаракатга келтириб, муаллифга танбех бермоқчи бўлади.

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мана шу булулларни бир четга суриб қўйган бўлардим.
— Эҳтиёт бўлинг, жаноб Твен, — оғохлантиради рассом ўтакаси ёрилгудек бўлиб, — кўрмаяпсизми, расм хали қуриганича йўқ!
Табиатан шўх адиб тинчлантиради:
— Хотиржам бўлинг, қўлқоп қийиб олганман!

Гулруҳ ФАНИХОНОВА

РАССОМ ХАНДАСИ



— Каерга кетаяпсиз?
— Учрашувга, ўзингизчи?
— Янгангиз билан турмуш қурганимизга 20 йил бўлди. Бир хурсанд бўлсин деб совгага супурги олдим.



Изоҳнинг ҳожати йўқ.
Абдурашул Ҳақимов чизган расмлар.

Жарима ва мукофот

Раджастан штатининг Хунлар кишлоғи аҳолиси қадимий урф-одатга қатъий амал қилади. Бу урф-одат бўйича кишлоқ аҳолисига чекиш ман этилади. Қонда бузувчилар дарҳол суд қилинадилар. Улар устидан чиқариладиган суд ҳукми битта, у ҳам бўлса 51 рупия жарима тўлашдан иборатдир. Бу тўғрисида хабар қилганлар эса 5 рупия мукофот олишади.

Кишлоқда бу урф-одат қачон ва ким томонидан киритилганлиги ҳеч кимга маълум эмас. Бирок бунга ҳамма рияз қилади. Уч йил давомида фақат биргина чекувчи суд хузурига келтирилди. Кўришиб турибдики, чекиш ишқибозлари фақат эски ҳурмат юзасидан эмас, балки ўз ҳамёнларининг кўриб қолишдан кўрқиб ҳам чекишмайди.

Кунига 185 та

Римдаги Оспедал бутхонасининг роҳибни (у тиш табиби бўлган) Жованни Баттиста 1868 йилдан 1904 йилгача бўлган ўзининг табиблик фаолияти давомида миждозлардан сугуриб ташлаган тишларнинг йиғиб юрган. Улар учта катта-кичик кутига жо бўлган. 1903 йили ҳисоблаб кўришганда, тишларнинг сони 200744 тага етган.

Демак, табибга бир кунга ўрта ҳисобда 185 та туш сугуришига тўғри келган.

Бепул газета

Мабодо Амриқонинг Санкт-Петербург шаҳрида кун бўйи хаवони булут қопласа, «Мустақил кечки ангилликлар»нинг барча 11 минг муштарийлари газетани бепул олади. Шуниси қизиқки, газетани 83 йилдан бери чоп этилади. Бу даврда у атиги 312 марта текинга тарқатилган. Ахир Санкт-Петербург Қўшма Штатлардаги «энг куёшли» шаҳарлардан биридир.

Олимнинг тахаллуси

Улуғ олим Абу Райхоннинг нисбаси «ал-Беруний» (тутилган жойга нисбатан берилган тахаллус) аниқ бир жойни билдирмайди. Эронча «бирун» ёки дари-форсийча «берун» сўзлари «ташқари», «ташқи шаҳар» маъносини англатади, ҳозирги замон тожик тилида «берун» тарзида сакланиб қолган.

XII аср тарихчиси ас-Самъоний «ал-Беруний» нисбасини «Шаҳардан ташқарида яшовчи киши» маъносиде тушуниш керак, деб таъкидлаган эди.

Хўш, Абу Райхон шаҳардан ташқарида нима қилиб юрибди? Ҳозир «берун» сўзини «ташқари», «шаҳардан ташқари» дегандан бошқача маънода талқин қила олмаймиз.

Олимнинг исмига қўшилиб айтиладиган «райхон» сўзининг келиб чиқиши ҳам бизга қоронғу. Маълумки, Беруний машхур доришунос бўлиб, жуда кўп ўсимликларнинг шифобахш хусусиятларини текширган баъзи олимлар шундан келиб чиқиб, Беруний райхон хидлашни яхши кўрган бўлса керак. «Абу Райхон» дегани «райхон улашган киши» маъносини билдиради, дейдилар.

Айрим олимлар эса Беруний хоразмлик ал-Хасан деганининг Райхон деган қизини яхши кўрган, тахаллусни ҳам эхтимол, шу қиз номидан олган, деб таҳмин қиладилар.

Шарқ дурдоналари



● Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган ваъдасида қаттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғриликнинг энг улуғ фазилат эканини билади.

● Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасининггина кўзламайди, халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ХИКОЯТ. Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машхур Анушервондан:

— Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди, битдими? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим, мен ҳеч вақт нотамош иш қилмайман, қайси ишга қадам қўйсам, у ишни охирига етказмагунча тиниб-тинчимайман. Бир ишга киришган киши файрат қилиб бошлаган ишни охирига етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзларини маъқуллади:

— Балли, юнон донишмандлари ҳам шундай деган эдилар, — деди.

ХИКОЯТ. Бир донишманд:

— Қайси айб, ярамас одат, ҳамма яхши хунарни ёпиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хунар ҳамма айбни босади?

— Сахийлик, — деди донишманд.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчига:

— У киши ҳақида айтганларингни яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаган бўлсанг, чақимчи бўлганин учун сендан нафратланаман, сени душманим деб биламан. Ёлғон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, чақимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи чақимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Гай:

Бар чақимчи ўз ишидан урса дам,

Қудратинг етса, тилни қилгил қалам.

ХИКОЯТ. Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, ораларидаги адоватни бартараф қилдилар, дўстлик аҳдин туздилар. Дўстликларини янада кучайтириб, абадийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўглига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўглига никохлади. Шундай қилиб икки ҳукмдор бир-бирларига қарши куда бўлдилар. Бу ошнолик туфайли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб-келиб турди. Ҳар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир куни Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзиб юборди.

— Кўзларимизнинг нурлари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу тобдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли бог ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам қувё бўлган ўглингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди.

— Мен сиздан кўра бошқачароқ йўл тутдим. Вафосиз мол-дунё ва матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга молу дунё эмас, илм, хунар, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истардим. Уни илмли, хунарли, одоб, ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб либоси билан беададим, яхши хислатларни ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етади, аммо адабга завол етмайди.

Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқигач, унинг сўзини маъқуллади:

— Қудам тўғри айтади, одоб, ахлоқ — олтиндан қимматдир, — деди.

Китба:

Эмас манзур хуш аҳлига моли,

Нечукким молнинг бордир заволи,

Улар матлуби бўлган илму одоби,

Ки топгайлар адабдан яхши алқоби.

БУ — ҚИЗИҚ

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

◆ **ХИНДИСТОНЛИК** эр-хотин Кулкарлар жаҳонда энг баланд бўйли оила бўлса ажаб эмас. Оила бошлигининг бўйи 238 сантиметр бўлса, турмуш ўртоғининг бўйи 208 сантиметрди.

◆ **МОСКВА** остонаси шаҳридаги Перделкиннинг номи «Рекордлар китоби»-да зикр этилган. Сабаб: энг кўп ёзувчилар шу ерда яшашар экан.

◆ **ИНГЛИЗ** 43 йилли Дойл Смит жаҳоннинг энг кучли кишиси бўлса ажаб эмас. У ўзининг кучли мускуллари билан 39 тоннали юк автомобиллини 500 метргача судраган.

◆ **ХИСОБ-КИТОБ** қилишларича, энг қалин соч малла рангли кишиларда булар экан. Яъни, бошда ўртача 140 минг толагача, қўнғир сочи кишиларда эса ундан камроқ — 109 минг толагача, энг сийрак соч қора-чадан келган одамларда булар экан, яъни 102 минг толагача.

◆ **ДАНИЯДА** маҳаллий новвоёлларнинг шогирдлари энг катта — 3,87 метрли батон ёпишди.

◆ **КОПЕНГАГЕН** шаҳридаги «Оскар Давидсон» ресторанида энг катта таомнома бор. Унинг узунлиги 115,5 сантиметр бўлиб, унда 177 номдаги таом тури ёзилган.

◆ **ГОЛЛАНДИЯЛИК** 80 ёшли Вильхельмина Йолник Паридан дунёдаги энг «ёш» парашютчи қилибланади. У невараларининг парашют спорти ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, спортнинг шу турига қизиқиб қолди ва ниҳоят бувининг ораси ушaldi. У ўзининг 80 ёшини 3000 метр баландликдан сакраш билан нишонлади.

Муҳаббат **ХАБИБУЛЛАЕВА** тайёрлади.

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

Бошқотирма

5. Таълим-тарбия, осийшталикни сақлашда аҳамият касб этаётгани маъмурий-ҳудудий бўлинима. 6. Катагон йиллари қурбон бўлган ўзбек шоири. 8. Пойтхтимизнинг қадимий дарвозаси. 11. Алмати шаҳри яқинидаги спорт иншооти. 12. Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов. 13. Тунис, Яман мамлакатларида пуб бирлиги. 16. Шерикчилик асосидаги фаолиятга қўшилган хисса, улуш. 18. Ийрик жануб қуши. 19. Динимиздаги фарзларни адо этиш. 20. Араб алифбосидаги ҳарф. 24. Давлатнинг бош идораси. 25. Юнонистондаги миллий бог жойлашган энг баланд тоғ. 26. Сув паррандаси. 29. Зёб-зийнат буюмлари яшаш хунармандчилиги. 30. Янгийўл шаҳрининг аввалги номи. 31. Мамлакатимизга ҳос ҳордиқ чиқариш ва овқатланиш маскани.

Бўйига: 1. Билишнинг асоси тахрибга деб ҳисобланган ҳозирги замон механикасига асос солган ўрта аср италян олими. 2. Ҳамсуҳбат, дуст. 3. Ганг дарёсининг энг узун irmoғи. 4. Бухоро амирлигининг энг сўнги ҳукмдори. 7. Гео-метрик жисм, кўпёқлик. 9. Ҳамир-


ли, миллий таом. 10. Самарқанднинг Регистон мажмуаси таркибига дахл қилган меъморлик обидаси. 14. Шариа қонунари билимдонли. 15. Мақсадга эришиш йўлидаги қатъийат, матонат. 16. Вазн ўлчови. 17. Вақт бирлиги. 21. Узро қадронлик, меҳр туйғуси. 22. Кузги тенг кунликда нишонланган қадимий байрам. 23. Ўзбекистондаги вилоят. 27. Зар ип аралаштириб тўқилган газлама. 28. Рангли металл.

Муаммонома

Шақлнинг айланмаларидаги рақамларда шарқда машхур бўлган «Одбога оид термалар»-да келтирилган ҳикматлардан бири яширинган. Уни қуйидаги очқич сўзлар ёрдамида билиб олинг.

1. Шўхрат меросига мансуб «Олтин зангламас» романи персонажи — 5, 15, 9, 2, 8.
2. Зафар, муваффақият — 12, 4, 1, 4, 6, 4.
3. Шаҳрисабзнинг XIII асрга қадар бўлган номи — 14, 13, 11.
4. Спорт майдони — 8, 2, 3, 10.
5. Ҳуқуқ машғулотли — 9, 4, 8, 7.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**



Газетанинг шу йил 29 июнь сониди берилган бошқотирманинг жавоблари:

Ёйлар бўйича: 1. Бахши. 2. Билак. 3. Бихар. 4. Бинокор. 5. Бинафша. 6. Босим. 7. «Бозор». 8. Банорас. 9. Бақиров. 10. Банан. 11. «Баҳор». 12. Беруний. 13. Беқасам. 14. Балет. 15. Батут. 16. Бедил.

Муаммонома

Очқич сўзлар: 1. «Сероҳ». 2. Гулқанд. 3. Ёълон. 4. Файрат. 5. Баёз. 6. Тил.

Ҳикмат: Рост қилгайсен эътиқодингни, Билгайсен зиёну — ҳаёнинггни.

«02»: ҲОДИСАЛАР

● «Фалокат оёқ остида», деб бежиз айтилмаган. Айниқса, йўл-транспорт воситалари билан содир бўладиган қўнғилсиз ҳодисалар кишилар ҳаётида ноҳусн кун сифатида қолади. Собир Раҳимов туман ИИБ навабчилик қисмига мана шундай хунук воқеа тўғрисида хабар тўшди. Катта теъликада «Опел — Омега» русумли транспорт воситасини бошқариб келаётган К.Д. тўсатдан пиедони уриб юборди. Натижада, жабрланувчи фуқаро А.А. жиддий тан жароҳати олиб шифохонада ҳаётдан кўз юмди. Афсус бир лаҳзада эҳтиётсизлик бир кишининг умрига зомин бўлди.

● Бугунги кунда гивандлик моддаларини сотиш, сақлаш, тарқатиш жиноятлигини била туриб, айрим фуқароларимиз мўмайгина пул топиш мақсадида нарқобизнесга қўл уришмоқда. Ҳамза туманида Ички ишлар идораларининг олиб борган текзор тадбирларининг бирида хен қаерда ишламайдиган уч фуқаро Ш.Ф. Х.Ш. ва А.Н.лар тўхтатилиб тинтиб кўрилганда, уларнинг ёнидан 1 килограммдан ортиқ миқдорда кишига кучли таъсир этувчи героин гивандлик моддаси олинди. Юқоридаги шахслар устидан жиноий иш очилиб сурштирув ва тергов ишлари давом этмоқда.

● Фирибгарлик мақсадларида эришиш учун минг бир найрагини ўйлаб топилди. Юнособод туманида яшовчи П.Н. фириб йўли билан тузилган меҳнат шартномаси ва моддий жавобгарлик тўғрисидаги меҳнат битимига асосан 8.000.000 «Ўзбекистон» — 4-айри пул-буюм лотереясини олиб 4.666.700 сўмини топширмасдан, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Содир этилган фирибгарлик юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Ҳозирги кунда гивандликка қарши ўтказилаётган бир қатор тадбирларда нарқотик моддалар олди-сотдиси билан даромад қиладиган бир қанча шахслар қўлга олинмоқда. Жумладан, Бектемир туман жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан «Анти-террор» тадбирини ўтказиш вақтида хен қаерда ишламайдиган, илгари судланган фуқаро А.Х.нинг уйдан инсонга кучли таъсир этувчи марихуана гивандлик моддаси топилди.

● Шунингдек, Сирғали тумани Спутник-2 даҳасида яшовчи аёл З.Л. тўхтатиб текширилганда, унинг ёнидан героин гивандлик моддаси топилди. «Оқ ажал»нинг гирдобига тушган бу аёл устидан жиноий иш қўзғатилиб тегишли чоралар кўрилмоқда.

● Ҳамза туманида номаълум шахс «Мукимий» чойхонаси олдида каровисиз қолдирилган Р.П.нинг «Нексия» русумли автоуловини қалит танлаш йўли билан очиб, ҳайдаб қочиб кетган. Осийшталлик посбонларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари зоет кетмади. Ушбу жиноятни содир этган, ишлаш жойининг тайини йўқ Я.С. автомашинанинг ичиди қўлга олинди. Транспорт воситасини олиб қочган бу шахс устидан жиноий иш қўзғатилиб, сурштирув ва тергов ишлари давом этаётди.

● Талончилик ҳам зўравонлик жиноятининг бир туридир. Мирзо Улугбек туманида бекорчи, илгари қора курсини кўрган С.И. Тамарахоним кўчасида яшовчи К.Д.нинг уй эшигини бузиб кирган ва кўрқитиб тан жароҳати етказган. Сўнгра спорт кийими, камари, бир жуфт аёллар поябзаали, икки дона эрқаракл кўйлаги бўлган сумкани тортиб олиб қўздан гойиб бўлди. Мазкур жиноятни амалга оширган «муштурзу» ашвёйи далиллар билан ушлатиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот марказининг
жамоати муҳбири.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 боена тибқо, офсет усулда
босилади. Қроғ бичими А-3

Душанба, чоршанба
ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақамли билан рўйхатга олинган

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турер жойлардаги почта
бутиларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига
мувожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оққомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбос ақциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.